# ЭРКАКЛАР НУТКИДА ГЕНДЕР ФАРКЛОВЧИ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР ТАХЛИЛИ

*Гулнорахон Ниязова*
*А.Навоий номидаги Тошкент давлат узбек тили ва адабиёти университети*

**Аннотация**
Макола тилшуносликда эркаклар нуткида гендер фаркловчи лисоний воситалар тахлили, детектив асарлар матнининг гендер хусусиятини аниклаш учун аёл ва эркак нуткини лисоний жихатдан киёсий тахлил килишнинг услубий хусусиятларига доир тадкикотлар хакида.

**Калит сузлар:** *тилшунослик, детектив, эркаклар нутки, гендер омили лисоний тахлил, тил сатхи, эркак гендер тили.*

Инсоннинг табиий жинси ва унинг ижтимоий «окибатлари»ни хисобга олган гендер омили инсоннинг мухим хусусиятларидан бири булиб, унинг хаёти давомида з шахсини англашига, шунингдек, жамиятнинг бошка авзолари томонидан нутк мавзусини аниклашига тасир килади. Патриархал жинсий маданиятда жинс инсоннинг биологик ва анатомик хусусиятлари билан чамбарчас богланиб, меъёрий характерига эга булади. Шунга кура, гендер иерархияси ва жинсга асосланган хатти-харакатлар табиатан белгиланмайди, балки жамият томонидан «курилади», ижтимоий назорат ва маданий ананалар институтлари томонидан белгиланади. Гендер муносабатлари ижтимоий ташкилотнинг мухим жихати хисобланади. Унинг тизим хусусиятларини махус тарзда ифодалайди ва нутк субьектлари уртасидаги муносабатларни тузади. Гендер муносабатлари тилда маданий жихатдан аникланган стереотиплар шаклида белгиланиб, шахснинг хулк- атвори, жумладан, нуткида ва унинг лисоний ижтимонйлашуви жараёнларида из колдирали.

«Гендер» атамаси «абл°та карши «оркак*-нинг ижтимоий, маданий ва психологик жихатларини тасвирлаш учун ишлатилган, яьни жамиятда инсонларни аллар ва эркаклар сифатида белгилайдиган узига хос ва керакли булган хусусиятлар, меъёрлар, стереотиплар ва ролларни шакллантирадиган
барча нарсани англатали. Огзаки ва ёзма нутк хосил килишда хам гендер омили тил воситаларини
танлаш ва бирлаштириша бевосита талсир курсатади. «Бу тил сатхида
намоён буладиган эркак ва аёл нутки уртасида матлум фарклар
мавжудлигини, яни суз бойлиги (эркаклар ва аллар лугатини ташкил этиш
хусусиятлари), фонетика, морфология, имло, синтаксис каби тил ходисалари билан характерланади»

Тил йз табиатига кура нафакат антропоцентрик, балки андроцентрик, яни биринчи навбатда, дунёнинг эркаклар куринишини акс эттиради. Чунки А.В. Кирилина такидлаганидек: «Андроцентризм христиан ва мусулмон маданиятларида фаолият курсатадиган барча тилларга хос булган, турли тилларда турли хил интенсивлик даражасида намоён булади, шунинг учун поэтикала адабий иш, бу жинс ва тактикани хисобга олиш керак»?. Шу нуктаи назардан хам биологик, хам ижтимоий омиллардан келиб чикалиган эркак ёки аёл езув услубларини аниклаш табиийлир

Жахон лингвистик гендерологиясининг узига хос хусусияти эркак ва абл нуткини урганишнинг амалий йуналиши хисобланади. Она тилида сзилган бадиий матилар тили асосида олиб борилган тадкикотлар эркак ва абл нуткига хос муайян колипларнинг мавжудлигини очиб беради. Бу сохала рус тилшунослигида мухим тадкикотлардан бири Т.Б.Крючкова томонидан аёл ва эркакларга тегишли ёзма матиларнинг урганилишидир. «Бадиий адабиёт матнларида гап булакларидан фойдаланиш тахлил килиниб. Статистик натижалари кайд этилган. Бунда аёллар купрок олмошлар ва юкламалардан фойдаланади, деган хулосага келинган, уларда купрок ва тез-тез «эмас» туликсиз февли ва «на-на» юкламаларини куллаш истаги юкори эканлиги ва эркаклар купинча отлардан фойдаланиши такидланади»

Детектив асарлар матнининг турли гендер даражалари эркак ва аёл нуткини лингвистик, стилистик тахлил ки ида куринади:

- Мана, ошна, - деди у кулиб, шу оромгожда давлатнинг текин овкатини еб ётибман. Беш кун пиламаймиз, икки кун дам оламиз. Келажаги порлок хаваскор жиннилар юксак онглилик намуналарини курсатмокдалар. Халигача бирорта духтирни еб куицигани иук, -- у шуидай деб табиббошига караб кійди.
- Мен бу ерда дунёнина тузилиши формуласини цилаб чикдим. Биргина масала колди: шу опамни суйсам, неча кило гушт бераркин? Чаманда етми кило. Нима дейсан? Калла-почалари бунга кирмайди. У шундок деб дімбоккина, оппоккина табиббошига кізларини лїк килиб олди. Элчин унинг бу ахволига ишониб-ишонмай бир оз йзини пукотди. Сіна табиббошига караб, итимос килди:
- Мен ошнам билан гаплашиб олай, малол келмаса сиз чикиб туринг.

Табиббоши малол келганини яширмай чимирилиб куйди. Элчин буни сезиб энди катьийрок, буйрук охангида деди:

Сиз хужжатларни тугриланг, хозир кетамиз.
- Мен дарров чикара олмайман, якши йигит. Маслахатлаший олишим керак.
- Маслахат пишган! - деди Элчин овозини бир парда кітариб.

Асадбек иккита гапни ёктирмайди. (Т.Малик. «Шайтанат». 1-жилд) Гендер омиллари тил воситаларини танлаш ва бирлаштиришга бевосита тасир этади. Бу тил сатхида намоён буладиган эркак ва вёл нутки Уртасида мавлум фарклар мавжудлигини курсатади. Детектив асарлар матнининг гендер хусусиятини аниклаш учун аёл ва эркак нуткини ли-



соний жихатдан киесий тахлил килиш лозим:
- Анвар бир карорга кела олмай догда эди. Шу боие бошини кітариб уйчан кузларини дустига кадади.
Сенинг оркангда тог білиши керак. Мен.. афсус, тов змасман. Бир тошчаман. Хаёт мени эрмак килиб унаб, истаган пайтда упоктириб ташлаши мумкин. Менга ионма.
Яхиш, буни кейин гаплашамиз. Бу ер масала сукишадиган жой эмас.
Тур, лаш-пушларингни йизичтир.
Анвар хазин жилмайди.
Мен кетмайман.
Истасанг, сени бу ерга жунаттирган ит эмганларнинг хаммасит хайдаб келиб, каршингда тиз чуктираман.
- Бундан нима фойда? Шу билан инсофга келишади, деб зілайсанм
Узингни хам, мени хам кийнама, огайни.
Элчин тиззасига уриб, урнидан туриб кетди.
- Кайсарлик зам эви билан-да... - у бир оз жим колди. Суна Анвараа якинлашиб, уни елкасидан тутди. - Хеч булмаса бир кунга чикарсан. Туймга борарсан, куёвжура буларсан?
Бу гапдан кейин Анварнинг кузларига инсоф кури кайтиб, юзига кизиллик югурди.
Уйланяпсанми? Кутлув булсии. Шуми оддирок айтмайсанми? Хуп бир кунга чикаман.
Кимга уйланянсан, сир эмасли? Элчин янгиликни эшитиб кочиб кетмасин, дегандек Анварнина елкасит янада мазкамрок улади:
- Асадбекнинг кизини олялман, - деди дістига тикилиб.
Элчин «жодугар кампирга уланяиман» деганида Днвар бунчалик кайратланмас эди. Лекин Асадбекнина кизига уіланиии!!! Туари, Элчин хушсурат йигит, аввалги шухрати хам уичалик сінмаган. Эна лобар киз хам унга жон-жон деб тегиии мумкин. Лекин Асадбекнинг кизи?. Киз хохлаган такдирда зам, Асадбекнина рози булиши?. Анвар учуи бу ечими огир жумбок эди. (Т.Малик. «Шайтанат». 1-жилд)
Гендер стереотиплари стереотипнинг алохида холати булиб, унинг барча хусуснятларини очиб беради. Гендер стереотиплари - бу иккала жинс вакилларининг фазилатлари, хусусиятлари ва хулк-атвор нормалари. уларнинг тилда акс этиши хакидаги маданий ва ижтимоий жихатдан аникланган фикрлар. Гендер стереотипи тилда мустахкамланган, бахолаш ифодаси билан чамбарчас боглик ва у ёки бу жинс вакилларидан мавлум турдаги хатти-харакатларни кутишнинг шаклланишига тасир килади.
Гендер стереотипларининг пайдо булиши



гендер муносабатлари модели тарихан шундай курилганлиги билан богликки, гендер фарклари эркак ва аёлнинг шахсиятидаги индивидуал, сифат фаркларидан устун туради. Эркак ва аёлга нисбатан стереотипик тарзда икки томонлама карама-каршиликлар мавжуд.
Мустахкамлик интуитивлик, мавхумлик, конкретликдир.
Аввало. Эркаклик изчиллик билан, аллик эса сезги билан боглик. «Эркак тафаккури умумлаштиришга мойиллик, мавхумлик билан ажралиб туради. эркак янада окил», «уркак ва аёлнинг уз-зини англаши хар бирининг узига хос хусусиятларига эга: эркак мантикий, ташаббускор; аёл инстинктив, узини узи бошкаларга топширишга мойиллиги, содцалик ва покликнинг мантиксиз ва шахссиз окилалиги билан доно». Шу билан бирга, аллар узига хос нарсаларга кизикишади, улар аклий фаолиятида узига хосдир. Амалий ва амалий фанлар одатда аёл интеллектига жой очади.
Детектив асарлардаги аёл ва эркак гендер тилини тадкик килиш шуни тасдиклайдики, эркаклар кучлирок овозга эга, улар купрок обрули, хар доим мавзу хакида гапиради, бироз купол, тасирчан, мактанчок, урушкок, тез-тез жаргон ва паразит сузлардан фойдаланади. Буни куйидаги мисолларда куришимиз мумкин 1.Зохид акасинина кайси гапи журабошига ёкнади - у
эсолмади. Зиефат тугаб, кучага чикишди. Ана шунда журабоши: -Хали нима девдинг, курук!-деб ёкасига ёпишди. 2.Селим Зелихонга куркибгина караб олиб: -Кайтаринглар, - деди. Милиса йигитлар кучага чикишди-ю, аммо машиналарига утиришмади. Бу орада зна якин одам тупланди. Асадбек копчиллика айтган білса кам, чучибми, мулодаза килибми, чикишмади.
Зелихон ок яктак устидан майда кавик тун кийиб, белбов боглаган, бир тутам ок соколи узига ярашган чолга якинлашиб, куш куллаб сурашди-да:-
Ота деди мана бу одамии танийсизларми? -Ха, танийммиз, болам, -деди чол, юзи конталаш Селимга караб, -Бу одам эмас, шайтоннинг ургочиси, буни кам биласизми? («Шайтанат». I китоб) Юкорида айилганидек, эркакларга хос\ куполлик, шайтоннинг ургочиси тарзида аел жинсини камситишга ургу бериш кабиларни кузатишимиз мумкин. Детектив асарда асосан жиноятчилар нутки фаол булса-да, унда замонавий илмли ва диндор эркакларнинг нутки хам берилган Уринларни кузатишимиз мумкин. Масалан, Ха, таксир, топиб гапирдингиз. Аммо сиз томонинингиздан гирромлик будди бу ши. –Нима гирромлик?! Кори, аввалги сафар масжидга сарфлаган пулларимни харом девдингиз, энди гирромлик дейсизми? Уйлаб гапирасизми гапингизни? Сиз кимсиз узи? Турттагина сурани куз юмиб едлаб берувчи коривачасиз, Худо эмассиз.
Сизнинг китобларинаизда пухматчини нима дейшнади?
Тухматчининг тилини кесии керакии? -Астагфирулод! Тухмат китаєтган булсам, каломулло урсин. («Шайтанат». I китоб) Бу Уринда социал жихатдан иккита карма-карши томон вакилининг сухбати келтирилган булиб, бири жуда кескин, бири эса куркув ара-лаш колатда узини химоя килишга харакат килиб, жуда юмшок гапирмокда.
Спендер мулокотда жинснинг тасири буйича уз хулосаларини шундай жамлади: «Хулоса килиб айтганда, аёп мулокоти хар хил кичик нарсалар хакида ширин мулокотга ухшайди, эркаклар эса мухим нарса хакида курук ва купол сухбатдир.»

**Фойдаланилган адабнётлар:**

1.Попова Е.А. Об особенностях речи мужчин и женщин // Русская речь 2007, - N°3. - С 40 - 49.
2. Чкалова И. Хрестоматия по курсу «Основы гендерных исследований» М.: МЦГИ, 2000
3. Кирилина А.В. Гендерные исследования В ігвистических дисциплинах // Гендер и язык. М., 2005. С.18
4. Скаженик Е.Н. Гендерный аспект комму ивного поведения Деловое общение. Учебное пособие. ТРТУ, 2006.
5. Ирисбоев Т.Т. Хозирги узбек детектив адабиётининг тараккиет хусусиятлари (Тохир Маликнинг «Шайтанат» асари асосида): филол фанл. номз. ... дис. - Т.: 2001. - 157 6.
6. Тохир Малик. Шайтанат. Биринчи китоб. - Т.: «Шарк» НМК Бош тахририяти, 1994.
7. https:/ru.wikipedis.org/wiki